



Tadqiqot **UZ**

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Ҳуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих саҳифаларидаги изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



№22

30 ноябрь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КЎП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
1-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
22-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-1**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
22-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-1**

ТОШКЕНТ-2020



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 22-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 20 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

5. Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шохида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6. Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



8. Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9. Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10. Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11. Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12. Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13. Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14. Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15. Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16. Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

17. Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

18. Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19. Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20. Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21. Кимё фанлари ютуқлари

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25. География

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

1. Суннатов Воҳид Тошмуродович,	7
АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЛАРИДА МАНСАБ СОХТАКОРЛИГИ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ	7
2. Kobulov Bobir Dilmurotovich	
HUQUQSHUNOSLIK FANINI O'QITISHDA TANQIDIY FIKRLASHNING O'RNI.....	11
3. Ўктамов Маннон Юсуф ўғли	
БОЖХОНА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ БУЗИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАР.....	13
4. Shixova Muqaddas Amanovna, Rajabova Oyshajon Hasanovna	
KORRUPSIYA – TARAQQIYOT KUSHANDASI.....	18



ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ЖИНОЯТ ҚОНУНЛАРИДА МАНСАБ СОХТАКОРЛИГИ ЖИНОЯТИ УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ

*Суннатов Воҳид Тошмуродович,
Тошкент давлат юридик университети
Жиноят ҳуқуқи, криминалогия ва коррупцияга
қарши курашиш кафедраси ўқитувчиси
E-mail: sunnatovv@mail.ru*

Аннотация: Бугунги кунда МДХга аъзо давлатлар жиноят қонунларида таҳлил қилинаётган жиноят учун жавобгарлик мезонлари ва нормалари турлича белгиланганлиги, таҳлилимининг хорижий мамлакатларни 3 та гуруҳга ажратган ҳолда ўрганишга ҳаракат қилганлиги:

1) МДХга аъзо давлатлар; 2) Европа ва Америка давлатлари; 3) Осиё давлатлари келтириб ўтилганлиги кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: Коррупцияга қарши жиноий жавобгарлик, конвенция, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар, содир этиш, яшириш ёки нотўғри талқин қилиш, ҳисоб-фактура, бухгалтерия ҳужжати, ҳисобот, тўлов операциялари, жазоларни белгилаш.

Хорижий мамлакатларда мансаб сохтакорлиги учун жиноий жавобгарлик масаласини таҳлил қилиш, албатта, ушбу жиноятнинг моҳиятини янада муфассал тушунишга, унинг барча жиҳатлари ва шакллари кенгроқ англашга ёрдам беради.

Биз ушбу параграфда таҳлилимининг хорижий мамлакатларни 3 та гуруҳга ажратган ҳолда ўрганишга ҳаракат қилдик: 1) МДХга аъзо давлатлар; 2) Европа ва Америка давлатлари; 3) Осиё давлатлари.

Авалло, таҳлилимининг МДХга аъзо давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлилидан бошлаймиз.

Таъкидлаш лозимки, МДХга аъзо давлатлар жиноят қонунчилиги ушбу давлатлар учун ишлаб чиқилган Намунавий Жиноят кодекси асосида яратилган. Ушбу Намунавий Жиноят кодекси ишлаб чиқилгунга қадар фақат Ўзбекистон ўзининг ЖКни қабул қилган. Намунавий Жиноят кодекси Арманистон, Беларусь, Молдова, Озарбайжон, Россия, Тожикистон, Украина, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Қозоғистон давлатлари вакиллари иштирокида ишлаб чиқилган. Шундай бўлса-да, бугунги кунда МДХга аъзо давлатлар жиноят қонунларида таҳлил қилинаётган жиноят учун жавобгарлик мезонлари ва нормалари турлича белгиланган.

Жумладан, Россия Федерацияси ЖКда мансаб сохтакорлигига доир норма (у “хизмат сохтакорлиги” деб номланган) “Давлат ҳокимиятига, давлат хизмати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларидаги хизмат манфаатларига қарши жиноятлар” деб номланган 30-бобнинг 292-моддасига киритилган. Унда назарда тутилган жиноий тажовуз объекти давлат аппарати ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш аппарати ҳамда унинг айрим бўғинлари нормал ишлашини таъминловчи ижтимоий муносабатлардир. Хизмат сохтакорлигининг муқаррар белгиси сифатида тажовуз предмети – расмий ҳужжат амал қилади. Расмий ҳужжат деганда қоғоз ёки электрон ташувчида бажарилган, давлат аппаратининг у ёки таркибий бўғини номидан тузилган, фойдаланувчи шахслар учун муайян юридик оқибатларга сабаб бўладиган конкрет фактлар ва воқеаларни тасдиқловчи ёзма ҳужжат тушунилади. Мазкур ҳужжатлар лозим тарзда тузилган ва зарурий реквизитлар (рақам, сана, штамп, муҳр, тегишли мансабдор шахснинг имзоси)га эга бўлиши лозим. Бундай ҳужжатларга, шу жумладан, расмий рўйхатга олиш китоблари (масалан, ФХДЁ органларининг китоблари), журналлар (масалан, ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларида ахборот



ҳисобини юритиш журналлари) ҳамда муайян воқеалар ва фактларни тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар (меҳнат дафтарчаси, паспорт, шахсий гувоҳнома, туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва ш.к.) киради.

Россия Федерацияси ЖК 292-моддасида назарда тутилган хизмат сохтакорлиги жиноятининг объектив томони қонунда кўрсатилган қуйидаги ҳаракатлардан бири билан белгиланади: а) расмий ҳужжатларга била туриб сохта маълумотларни киритиш; б) бу ҳужжатларга уларнинг асл мазмунини бузиб кўрсатувчи тузатишлар киритиш. Хизмат сохтакорлиги жинояти объектив томонининг муқаррар белгиси сифатида уни айбдор шахс ўз хизмат ваколатларидан фойдаланиб содир этиши амал қилади. Субъектнинг хизмат вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган ҳаракатлари хизмат сохтакорлиги сифатида квалификация қилиниши мумкин эмас. Мансабдор шахс ёки давлат ёхуд муниципал хизматининг мансабдор шахс ҳисобланмайдиган ходими хизмат сохтакорлиги жиноятининг субъекти бўлиши мумкин. Россия Федерацияси жиноят ҳукуқи бўйича хизмат сохтакорлиги унча оғир бўлмаган жиноятдир.

Қозоғистон ЖКнинг 369-моддасида хизмат сохтакорлиги учун жавобгарлик белгиланган. Унга кўра, хизмат сохтакорлиги, яъни давлат функцияси юклатилган шахс ёки унга тенглаштирилган шахс ёки мансабдор шахс томонидан расмий ҳужжатга ёлғон маълумот киритиш ёхуд мазкур ҳужжатга унинг асл ҳолатини ўзгартирадиган тузатиш киритиш ёхуд била туриб ёлғон маълумот киритилган ёки сохталаштирилган ҳужжатни тақдим этиш ўзлари, бошқа шахслар ёки тадбиркорлар учун фойда ёки афзалликлар келтириши ёхуд бошқа шахслар ёки ташкилотлар учун зарар етказишга сабаб бўлган қилмиш жазога тортилади. Ушбу моддада масъул давлат лавозимидаги шахс томонидан амалга оширилиши жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат сифатида белгиланган.

Демак, Қозоғистон ЖКда белгиланган норма жиноят субъекти, объектив томони, шу жумладан, жиноий оқибат ҳолатларига кўра Ўзбекистон ЖКда белгиланган ҳолатлардан фарқ қилади. Бизнингча, ушбу ҳолатларни Ўзбекистон ЖКда таҳлил қилинаётган жиноят учун жавобгарлик белгилувчи нормларни такомиллаштиришда инobatга олиш мақсадга мувофиқ.

МДХга аъзо давлатлар жиноят қонунчилиги таҳлил асосида шуни хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистондан ташқари барча МДХга аъзо давлатларда таҳлил қилинаётган жиноят “хизмат сохтакорлиги” деб аталади. Шунингдек, ушбу жиноятнинг турли шакллари учун жавобгарлик назарда тутилган, жиноят субъекти ва объектив томонида ҳам аксарият фарқли жиҳатлар мавжуд.

Энди таҳлилимизни Европа ва Америка давлатлари жиноят қонунларини таҳлил қилиш билан давом эттираемиз.

Коррупцияга қарши жиноий жавобгарлик тўғрисидаги Конвенциянинг 14-моддасига биноан ҳар бир томон коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этиш, яшириш ёки нотўғри талқин қилиш мақсадида нотўғри ёки тўлиқ бўлмаган маълумотларни ўз ичига олган ҳисоб-фактура ёки бошқа ҳар қандай бухгалтерия ҳужжати, ҳисобот ва тўлов операциялари тўғрисидаги маълумотларни қонунга хилоф равишда киритганлик билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик учун жазоларни белгилаш бўйича чоралар кўриши бўйича норма назарда тутилган.

Бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, бу соҳада одатдаги қонунчилик ечими ҳужжатларни қалбакилаштиришни умумлаштирилган ва кенг тушунилган меъёрга мувофиқ жиноий жавобгарликка тортишдир. Жавобгарлик нафақат ҳар қандай ҳужжатларни (расмий ва шахсий) қалбакилаштириш учун, балки улардан фойдаланиш, яшириш, йўқ қилиш, ёзувларни юритиш мажбуриятидан қочиш ва бошқалар учун ҳам белгиланади.

Ҳужжатларни қалбакилаштириш бўйича немис нормалари бўйича хулосага келган Б.Б.Сокалскийнинг ишларида батафсил ўрганилган. Ушбу хулоса классик либерализмнинг ватани ҳисобланган Буюк Британиянинг жиноят ҳуқуқини ўрганиш билан тасдиқланади. Либерализм қонуний айланма иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, шу жумладан, қалбакилаштиришдан жиноий ҳуқуқий ҳимоясини рад этишни умуман аңглатмайди. Бу, айниқса, иқтисодий фаолият соҳасида рўй беради, бу ерда инвесторлар ва менежерлар ўртасидаги муносабатлар доирасида иккинчисининг фаолиятининг шаффофлигини, ўз фаолиятини бошқариш қобилятини таъминлаш учун ҳуқуқий қафолатлар за-



рур бўлиб, уларсиз қонунбузарликларнинг олдини олиш мумкин эмас.

АҚШ Асосой қонунлари тўпламининг 18-бўлимидан ўрин “Оммавий мансабдор шахснинг сохта расмий ҳужжатни тайёрлаши” деб номланган моддасида ўз мансаб вазифалари муносабати билан ва фойдаланиш мақсадида матнли ёки график материални яратган ёки ўзгартирган оммавий мансабдор шахснинг жавобгарлиги тартибга солинган. Бундай қилмишлар учун тайинланадиган жазо уларни содир этишда муҳр ва имзо ишлатилган ёки ишлатилмаганига боғлиқ бўлади. Мазкур қилмишнинг объектив белгилари сифатида қонунда жиноятнинг предмети ва қилмишга тавсиф берилган.

Кейинги таҳлилимизни Осиё давлатлари жиноят қонунчилиги таҳлили билан давом эттирамиз.

Сингапур ЖК IX боби “Давлат хизматчилари томонидан содир этилган ёки уларга тегишли жиноятлар” деб номланган бўлиб, 11 моддадан иборат (161-171-моддалар). Жумладан, ЖКнинг 167-моддасида расмий сохталаштиришнинг таркиби белгиланган. Унга кўра, ҳар қандай ҳужжат ёки электрон ёзувларни тайёрлаш ва таржима қилиш учун масъул бўлган давлат хизматчиси томонидан зарар етказиш мақсадида била туриб нотўғри ҳужжат тузиш ёки таржима қилиш бошқа шахсга зарар етказиш имкониятини юзага келтириши жиноят таркибини ҳосил қилади. Ушбу қонунда таҳлил қилиш ушбу жиноятнинг субъекти ҳар қандай давлат хизматчиси бўлиши мумкин эмас, фақат ҳар қандай ҳужжат ёки электрон ёзувни тайёрлаш ёки таржима қилиш учун масъул бўлган шахс бўлиши мумкинлигини таъкидлашимизга имкон беради. Кўриб чиқиладиган жиноятнинг предмети бўлган “ҳужжат”

ва “электрон ёзувлар” тушунчалари тавсифи келтирилган бўлса-да, Сингапур ЖКда давлат хизматчиси тушунчасига тавсиф берилмаган.

Мазкур ЖКга кўра, “ҳужжат”: (а) ҳар қандай харита, диаграмма, график ёки расм; (б) ҳар қандай фотосурат; (с) бирон бир нарсани белгилайдиган (идентификация қиладиган) ёки тавсифлайдиган, бирор нарсага бириктирилган ёки унинг бир қисми бўлган ҳар қандай ёрлик (белги) ёки маркировка ёки бошқа ёзма хабар; (д) ҳар қандай диск, магнит лента, овозли ёки бошқа (визуал бўлмаган) маълумотларни ўз ичига олган, уни ижро этилиши мумкин бўлган тарзда ёзилган (бошқа жиҳозлар билан ёки уларсиз) овозли трек; (е) ҳар қандай плёнка (шу жумладан микрофилм), салбий, магнит лента, диск ёки бир ёки бир нечта визуал тасвирларни ўз ичига оладиган тарзда (бошқа ускуналар билан ёки уларсиз) ёзиб олинадиган бошқа қурилмалар; (ф) уларни изоҳлай оладиган одам учун аҳамиятли бўлган ҳар қандай қоғоз ёки бошқа материаллар бўлган белгилар, таассуротлар, рақамлар, ҳарфлар ёки белгилар.

Демак, Сингапур ЖКда “ҳужжат” тушунчасининг мазмуни акс этирилмаган, фақат унинг турларини кўрсатилган. “Ёзма ҳужжат” ибораси Сингапур ЖКнинг 29а-моддасидан келиб чиққан ҳолда, ҳар қандай сўзлар, рақамлар, расмлар ёки белгилар ёрдамида тасвирини ўз ичига олади. Кўриб чиқиладиган жиноят таркибида ноқонуний хатти-ҳаракатлар икки шаклда ифодаланади: кўрсатилган нарсаларни (ҳужжат ёки электрон ёзув) йиғиш ёки таржима қилиш.

Шуни қайд этиш лозимки, Европа, Америка ва Осиё мамлакатлари жиноят қонунчилигининг мансаб сохтакорлиги учун жавобгарлик назарда тутилган нормаларини таҳлил қилиш уларнинг миллий қонунчилигимиз билан айрим ўхшаш жиҳатлари мавжуд бўлиши билан бирга ўзаро фарқ қиладиган айрим жиҳатлари ҳам мавжудлигини кўрсатди. Бу ҳолатни биз қуйидагилар орқали кузатишимиз мумкин:

биринчидан, жиноят эҳтиётсизликдан ҳам содир этилади (Испания ЖК 391-моддаси, Швейцария ЖК 317-моддаси);

иккинчидан, жиноят предметининг доираси турлича: ишга дахлдор бўлган фактларни ўзида ифодаловчи ҳужжатлар (Нидерландия ЖК

225-моддаси); “экспертиза натижалари” (ХХР ЖК 412-моддаси); “экспорт товар юкхатлари, экспорт йиғимларига харажатларни рўйхатдан ўчириш тўғрисидаги қитанцилар ва бошқа ҳужжатлар” (ХХР ЖК 405-моддаси); ўрмон кесиш чиптасига сохта маълумотлар (ХХР ЖК 407-моддаси);

ҳар қандай ҳужжат (Корея Республикаси ЖК 225-моддаси); матнли ёки график ахборот (Япония ЖК 156-моддаси);

учинчидан, жиноят субъекти турлича белгиланган: савдо назорати органлари, савдо на-



зорати давлат бўлимларининг ходимлари (ХХР ЖК

412-моддаси); бошқа давлат органларининг ходимлари (ХХР ЖК

405-моддаси); оммавий мансабдор шахслар (Япония ЖК 156-моддаси).

Хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон ЖКнинг 209-моддасини “хизмат сохтакорлиги” деб номлаш ва унда нафақат мансабдор шахслар, балки мансабдор шахс ҳисобланмаган давлат хизматчиларининг қилмишлари учун ҳам жавобгарлик назарда тутиш таклиф этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Букалєрова Л.А., Гнатик Е.Н., Питикин Р.А. Служебный подлог как коррупционное преступление в зарубежном праве. // Вестник РУДН, серия Юридические науки. – 2014. – № 4. – С. 218.

2. Волженкин Б.В. Модельный Уголовный кодекс и его влияние на формирование уголовного законодательства государств – участников СНГ. // Новое уголовное законодательство стран СНГ и Балтии: сб. науч. Статей. – М.: ЛексЭст, 2002. – С. 145.

3. Уголовный кодекс РФ / <http://www.ugolkod.ru/>

4. Курс российского уголовного права: Особенная часть / Под ред. В.П. Кудрявцева, А.В. Паумова. - М.: Спарк, 2002. –С.756.; Ланская П.Б. Вопросы совершенствования законодательной нормы, предусматривающей уголовную ответственность за служебный подлог. // Теоретико-методологические и прикладные аспекты социальных институтов права, экономики, управления и образования. Материалы Всероссийской научной конференции с международным участием. Гуманитарно-социальный институт. – М., 2016. – С. 394-396.

5. Комментарий к УК РФ / Под общ. ред. В.М. Лебедева. - М.: НОРМА, 2003. – С.549.; Буз С.И. Уголовное право: Особенная часть. – М.: Проспект, 2020. – С. 264.

6. Павлов В.Г. Субъект преступления. – СПб.: Юридический Центр Пресс, 2001. –С.253.

7. Уголовное право / Под ред. д-ра юрид. наук, проф. П.И. Ветрова, д-ра юрид. наук, проф. Ю.И. Ляпунова. – М., 2004. –С.554.

8. Уголовный кодекс Республики Казахстан (с изменениями и дополнениями по состоянию на 07.07.2020 г.). // https://online.zakon.kz/document/?doc_id=31575252

9. Конвенция об уголовной ответственности за коррупцию (Страсбург, 27 января 1999 года). // <https://www.coe.int/ru/web/conventions/full-list/-/conventions/rms/090000168007f58c>

10. Дроздов В.Ю. Подлог по уголовному праву Англии и Уэльса. // Пробелы в российском законодательстве. – 2016. – № 6. – С. 251.

11. Сокальский Б.Б. Подлог документов в уголовном праве России и Германии: результаты сравнительно-правового исследования. // Пробелы в российском законодательстве. –2016. – № 5. – С. 154-156.

12. Federal Criminal Code and Rules / Title 18 – Crime and Criminal Procedure – § 1030. West Group, St. Paul, Minn, 1999. <http://www.interpol.int>

13. The Penal Code of Singapore. Chapter 224 (Original Enactment: Ordinance 4 of 1871). // <http://statutes.agc.gov.sg/aol/browse/titleResults.w3p;letter=P;type=actsCur>

14. Басова Т.Б., Харченко А.Н. Уголовная ответственность за служебный подлог в странах АТР: законотворческий опыт Сигнапура, Социалистической Республики Вьетнам и Таиланда. // Азиатско-Тихоокеанский регион: экономика, политика, право. – 2016. – № 4. – С. 129.



HUQUQSHUNOSLIK FANINI O'QITISHDA TANQIDIY FIKRLASHNING O'RNI.

Kobulov Bobir Dilmurotovich

Navoiy shahar 12-IDUM

“Davlat va huquq asoslari” fani o'qituvchisi

Annotatsiya: Tanqidiy fikrlashni rivojlantirish yo'lida bir necha sabablarga ko'ra “didaktik o'yinlardan” foydalanamiz: ular dunyoqarashni kengaytirish va huquqiy ongni shakllantirishda ko'mak beradi. Shuningdek, tanqidiy fikrlash inson tafakkurini o'stiradi. Huquq fanini o'qitishda ayniqsa tanqidiy fikrlash muhim o'rin tutadi.

Kalit so'zlar: tanqidiy fikrlash, Davlat va huquq asoslari, didaktika, idrok etish, siyosiy ong.

Ta'lim berish, har bir mavzuning mag'zini talabalar ongiga yetkazish mahorati o'qituvchidan ko'p izlanishni, ko'p mutolaa qilishni talab qiladi. Bilim ummoniga boy bo'lgan ustozgina mavzuni mag'zini talabalar ongiga mohirona yetkaza oladi. Mavzuning maqsadiga karab, ta'lim metodlarini tanlay biladi.

Ta'limning, o'qitishning vazifasi fuqarolar, yoshlarning eng asosiy Konstitutsiyaviy huquqlaridan biri bo'lgan har bir kishining aqliy-amaliy imkoniyatlarini ro'yobga chiqarish, ijodiy qobiliyatlarini namoyon etish, intellektual jihatdan rivojini ta'minlash, o'zi xoxlagan kasbini tanlash, uni mukammal egallab, shu sohada baxtiyor faoliyat ko'rsatish uchun moddiy-ma'naviy, tarbiyaviy-didaktik shart-sharoit yaratishdan iboratdir. Bu umumiy vazifadan ta'limning har bir bo'g'ini, turi va bosqichlarining o'ziga xos vazifalari kelib chiqadi. Ta'limda izchilikka rioya qilib o'qitish lozim, toki bugun o'rganilgan bilimlar kecha o'rganilganlarni mustahkamlasin, ertaga o'rganiladiganlarga zamin hozirlansin.

O'qitish metodlari bilimlarni berish usullari sifatida qaraladi va o'quvchilarning ilmiy bilish faoliyatiga rahbarlik qilishga qaratilgan bo'ladi hamda o'quv jarayonida pedagogning o'quvchilarga ta'sir ko'rsatishini shakllantiradi.

O'rganish metodlari bilim, malaka va ko'nikmalarni ijodiy egallashga hamda metodik va g'oyaviy - siyosiy e'tiqodlarni ishlab chiqishga qaratilgan o'quvchilarning ilmiy bilish faoliyati usuli sifatida belgilanadi.

O'qitish metodi “o'qitishning maqsadi – mazmuni, metodi, shakli, usullari” tizimida muhim o'rin egallaydi.

Metod deganda, ta'limda maqsadga erishish, masalalarni hal qilish yo'llari, usullari tushuniladi. O'qitish metodi tarkibida usullar alohida ajralib turadi. Usul metodning unsuri bo'lib, uning tarkibiy qismi, metodni amalga oshirishda bir martagina qullanadi va alohida qadam hisoblanadi. “Davlat va huquq asoslari” fanini o'qitish tanqidiy fikrlashni o'qitish va o'rganish metodlari quyidagi guruhlardan iborat keng tarqalgan tasniflarga borib taqaladi.

1. Bilimlarni berish, idrok etish va o'zlashtirish hamda e'tiqodni shakllantirishni ta'minlovchi metodlar. Metodlarning bu guruhiga lektsiya, o'quvchilarning mustaqil ishlari, mustaqil tahsil olish bo'yicha ishlar, maslahatlar, ko'rsatma berish, ommaviy axborot, programmalashtirilgan materiallarni idrok etish va boshqalar kiradi.

2. Bilimlarni tatbiq etish va mustahkamlash, malaka va ko'nikmalarni hosil qilish hada e'tiqodni chuqurlashtirish metodlari. Bu guruhga seminar, amaliy va laboratoriya mashg'ulotlari, nazorat ishlarini bajarish, o'quv va pedagogik amaliyot kiradi. 3. Bilimlar, e'tiqodlarni shakllantirish va o'quvchilarning kasbiy tayyorgarligini aniqlash metodlari. Bu o'quv jarayonining reyting baholari, suhbat o'tkazish, kurs va diplom ishlari loyihalari hamda davlat attestatsiyasi natijalarini baholashdir.

Didaktikaga oid adabiyotlarda o'qitish metodlarining quyidagi bog'liqliklari qayd qilinadi:

- birinchidan, o'quv mashg'ulotlarining didaktik maqsadlari va vazifalariga bog'liq;
- ikkinchidan, bayon qilinadigan materialning xarakteriga bog'liq;
- uchinchidan, ta'lim oluvchilarning bilimi va rivojlanish darajasiga bog'liq;



- to'rtinchidan, o'quv jarayonida o'rganilayotgan fan asoslarining muayyan (hozirgi) davrdagi metodlariga bog'liq;
- beshinchidan, oliy o'quv yurti yoki kafedraning sharoitlariga bog'liq;
- oltinchidan, o'quv jarayonining moddiy – texnik ta'minoti bilan bog'liq;
- ettinchidan, o'qituvchining pedagogik mahorati, uning tayyorgarligi va o'quv jarayonini tashkil etish darajasi hamda o'qituvchining hozirgi zamon metodlari bo'yicha bilimlariga bog'liq.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati

1. Kудaybergenova T.K. Huquqiy ta'lim samaradorligini oshirish yo'llari..Tafakkur nashriyoti, 2011.
2. Ismatova N.Q. Huquqiy ta'lim va pedagogic texnologiyalar –T., 2015



БОЖХОНА ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ БУЗИЛИШИ БИЛАН БОҒЛИҚ ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАР.

*Ўктамов Маннон Юсуф ўғли
Давлат божхона қўмитаси
Божхона институти магистранти*

Аннотация: Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар натижасида бугун юртимиз янгиланган мамлакат сифатида бўй чўзмокда деб айтишимиз мумкин. Амалга оширилаётган туб ислохотлар замирида эса олиб борилаётган оқилона сиёсат ва миллий қонунчилик тизимининг янгиланиши ва бунинг амалий ҳаётда бўй кўрсатётгани билан изохлашимиз мумкин. Жумладан сўнгги йилларда суд-ҳуқуқ тизими тубдан ислох қилинди. Суд-Ҳуқуқ тизимини ислох қилишнинг муҳим вазифаларидан бири Жиноят, Жиноят-процессуал қонун ҳужжатлари, жиний жазо тизимини изчиллик билан босқичма-босқич либераллаштириш ҳисобланади.

Калит сўзлар: либераллаштириш, иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар хўжалик юритувчи субъектлар, божхона аудити, юридик шахслар жиний жавобгарлиги, фискал, божхона тўловлари

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар, иқтисодий ривожланиш ва интеграциялашув жараёнига жадал қўшилиш ўз навбатида ҳуқуқий соҳада ҳам туб ўзгаришларни талаб этади. Ушбу ислохотлар жиноят кодексига жиний жазоларни либераллаштириш масалаларига оид ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонунларда ўз аксини топди.

Хусусан божхона соҳасидаги жиноятларда ҳам жазони либераллаштириш чоралари кўрилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 декабрдаги Парламентга мурожаатида ¹*Тадбиркорлик соҳасида ижтимоий хавфи катта бўлмаган айрим жиноят турларини жиноят тоифасидан чиқариш сиёсатини изчил давом эттиришимиз лозим. Жумладан, сохта тадбиркорлик, рақобатчининг обрўсини тушириш каби қилмишлар учун жиний жавобгарлик бекор қилинади. Шунингдек, божхона қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятни биринчи марта содир этган, лекин тўловларни тўлаган шахсларни жиний жавобгарликдан озод қилиш керак, деб таъкидланган эди. Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон Фармонида тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ ҳолда биринчи марта содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликдан озод қилиниши, шунингдек уларга нисбатан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тарзидаги жиний жазо қўлланилмаслиги белгилаб берилди ² Шу муносабат билан ва мамлакатимизда тадбиркорлик муҳитини ривожлантириш мақсадида салмоқли ишлар амалага оширилиб келмоқда. Лекин шунини ҳам таъкидлаш лозимки, ўтган давр мобайнида яратилган имкониятларни суистеъмол қилган ҳолда ўз шахсий манфаати йўлида жиноят содир этаётган “тадбиркор ишбилармонлар” ҳам учрамоқда. Аммо Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар мамлакатимизда амалга оширилаётган бозор ислохотларига жиддий хавф туғдиради, бозор иқтисодига хос бўлган хусусий мулкчиликнинг, бошқа турдаги мулкий муносабатларнинг шаклланишига ва ривожланишига тўсқинлик қилади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг ³53-моддасига мувофиқ, мамлакатимиз иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Мулк дахлсиздир ва у давлат томонидан муҳофаза қилинади, унга қилинган ҳар қандай тажовуз қонунга хилоф деб ҳисобланади.*

Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга келадиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг XII боби. Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар деб номланади лекин мазкур тушунча таърифи ушбу кодексда келтирилмаган Россия Федерацияси манбааларига асосан ⁴Иқтисодий жиноятлар бу ноқонуний деб топилган фуқароларга корхонага ёки давлатга моддий зарар етказадиган ҳаракатдир. Бундай ҳатти ҳаракатлар кам эмас ва

¹ <https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020>

² <http://www.lex.uz/docs/3039311>

³ <https://lex.uz/docs/>

⁴ <https://saldovka.com/nalogi-yur-lits/proverki/ekonomicheskoe-news-prestupleniya-vidyi-i-nakazanie.html>



улар миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларида содир этилади. Энг кенг тарқалган турлари сифатида эса миждозлар фирибгарлиги ва сохта тадбиркорликни кўрсатишимиз мумкин. Шунингдек Франция Республикасининг ¹“Умумий жиноий ҳуқуқни муҳофаза қилиш” қонунлар тўпламида “Бизнес жиноий қонунлари ва тартиби боби”да айнан иқтисодий жиноятларга қирадиган жиноятлар тури сифатида бизнесга оид жиноятлар келтирилган.

Божхона органларининг мамлакат иқтисодиётидаги роли ҳақида гап кетганда солиқ ва боғхона хизмати албатта фискал яъни мамлакат ғазнасини тўлдиришга хизмат қиладиган ташкилотлар сифатида гавдаланади. Лекин боғхона органларининг яна бир ўзига хос жиҳати шундаки, мамлакатимизга кириб келаётган ва ундан чиқиб кетаётган товарларни назорат қилиш ва ноқонуний товар айланмасига чек қўйишдан иборат бўлади.

Бугунги кундаки сарҳисоблар шуни кўрсатадики, Республика бюджетининг даромадлар қисмини 80% га яқинини солиқлар ташкил этади ва бунинг ичида 20%га яқин қисми боғхона тўловлари ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, боғхона соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг аксарият қисми иқтисодиёт соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар сирасига қиради. Шундай экан иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга қарғши курашда боғхона органлари ўзига хос муҳим ўринга эга саналади.

Юқорида иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар орасида бевосита боғхона органлари фаолияти ва боғхона қонунчилиги билан боғлиқ моддалар сифатида 182-модда. Боғхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш ва 184-модда. Солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш нормаларини келтириб ўтишимиз мумкин бўлади. Ушбу жиноятлар бевосита боғхона ишига оид норматив қонун ҳужжатларини бузиш натижасида келиб чиқади. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси ЖК 175-моддасида белгиланган **“Ўзбекистон Республикаси манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш** моддаси ҳам бевосита боғхона органлари фаолияти билан боғлиқ саналади. Наф келтирмаслиги аён бўлган битимни тузиш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига илгари фойдаланилган, жисман ишлатиб бўлинган, маънавий эскирган ёки замон талабларига жавоб бермайдиган асбоб-ускунани ёхуд технологияларни олиб киришга, шунингдек уларни ўрнатилиш ва жорий этишга олиб келган битимни тузиш, республика манфаатларига кўп миқдорда зарар етказган бўлса, худди шунингдек бундай битим тузилишига сабаб бўлган эксперт хулосасини ёки бошқа ҳужжатни ваколатли давлат органининг ёки бошқа ташкилотнинг мансабдор шахси томонидан бериш Жумладан, Олий Суд пленумининг 17.04.1998 йилдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноий ишлар бўйича суд амалиётида юзага келган айрим масалалар тўғрисида”ги 11-сонли қарорига мувофиқ, **Ўзбекистон Республикаси манфаатлари деганда** самарали бозор иқтисодиётини яратиш, мулкӣ ва ашёвий муносабатларни, умуммиллий кадрятларни ҳимоя қилиш, товар мустақиллигига эришиш шу кабилар ҳисобланади. Кўрсатиб ўтилган манфаатлар битимларни тузишга алоҳида талаблар белгиланган қонунчиликда акс эттирилган ва мустаҳкамланган, шу жумладан бу савдо операцияларини ўтказиш ва тузиладиган ташқи иқтисодий битимларга ҳам тааллуқли.

Наф келтирмайдиган битим деганда, шартлари давлат манфаатларига зид келувчи битимни тушуниш зарур (масалан, маҳсулот етказиб бериш баҳосининг аниқ пасайтирилганлиги ёки маҳсулотни олиш, уни транспортда ташиш нархларини аниқ ошириб кўрсатиш; давлат мулкӣни тасарруф қилишда паст нархлаш, Ўзбекистон Республикаси иқтисодий санкция қўллаган резидентлар билан савдо операцияларини амалга ошириш ва ҳоказолар) ни тушуниш мумкин бўлади. Ўз навбатида ташқи бозорда рақобатбардошликни таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш мақсадида устав капиталида давлат улуши бўлмаган хўжалик юритувчи субъектларга маҳсулот таннархидан арзон нархларда экспортни амалга оширишга рухсат берилган, шу нуқтаи назардан олиб қараганда, устав капиталида давлат улуши бўлмаган ёки давлат улуши 50% дан кам бўлган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан маҳсулот таннархидан арзон нархда экспорт амалга оширилганда мазкур модда билан жавобгарликка тортилиши мумкин шу сабабли, мазкур моддага устав капиталида давлат улуши 50% дан юқори бўлган хўжалик юритувчи субъектлари томонидан тузилган битимлар деган жумлани киритиш мақсадга мувофиқ бўларди

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 182-моддаси. *Боғхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш* жинояти бу иқтисодиёт соҳасидаги бевосита боғхонага оид содир

¹ <https://iclg.com/practice-areas/business-crime-laws-and-regulations/france>



этиладиган жиноят саналади. Мазкур норма диспозицияси *Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса* тарзида баён этилган бўлиб, Олий Суд пленумининг 06.09.2013 йилдаги №18 сонли “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарорида тушинтириш бериб ўтилган. Ҳозирги кунда амалиётда мазкур модда Олий суд пленуми томонидан тушунтириш берилган ҳолда талқин қилиниб жиноий иш қўзғатиш амалиёти жорий қилинган ва бу амалга ошириб келинмоқда. Бу борада эса тадбиркорларга кенг имкониятлар яратиш ва инвестициявий муҳитни қўллаб - қувватлаш мақсадида шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг юқорида кўрсатилган божхона қонун ҳужжатларини бузиш билан боғлиқ жиноятни биринчи марта содир этган, лекин тўловларни тўлаган шахсларни жиноий жавобгарликдан озод қилишга оид илгари сурган таклифининг қонуний тартибини жорий қилиш яъни жиноий жазоларнинг самарали ва фойдали механизмларини ҳаётга татбиқ қилиш мақсадида божхона қонунчилигида янги институт сифатида жорий этилган **“божхона аудити”** текшируви натижасида ҳам божхонага оид қонун ҳужжатлари бузилиш ҳолати аниқланиши мумкинлигини инобатга олиб бизнингча, 182-моддани қуйидагича бойитиш мақсадга мувофиқ бўлади. Жумладан Биринчи марта жиноят содир этган шахс (модданинг иккинчи қисми б,в, ва г бандлар бундан мустасно) “Товарлар чиқариб юборилгандан кейинги божхона назорати ёхуд божхона аудити” натижаси бўйича божхона органи қарорини олган санадан бошлаб ўттиз календарь кундан ёхуд ўзаро келишувга биноан бўлиб-бўлиб ёки кечиктириб тўлашнинг охиригидан кечиктирмай божхона тўловлари тарзида етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа жавобгарликдан озод этилади тарзида **янги қисм** билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўлади. Қонунчиликдаги бу тарзидаги норманинг жорий этилиши ҳар тарафлама адолатли ва фойдали бўлади деб ҳисоблашимиз мумкин. Чунки мавжуд жиноят қонунчилигига биноан юридик шахслар жавобгарлиги назарда тутилмаган, лекин Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ 3723 сонли “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ *халқаро ҳуқуқ ва хорижий амалиётда эътироф этилган жиноят-ҳуқуқий институтларнинг етарли даражада, жумладан юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилаш соҳасида имплементация қилиш* назарда тутилганини инобатга олиб, етказилган зарарни ундириш натижасида жиноий жавобгарликни бекор қилиш амалиётини жорий этиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин. Жумладан етказилган зарар ҳам одатда юридик шахс ҳисобланган ТИФ субъектлари ҳисобларидан ундирилади.

Божхона оид иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар турига киритилиши мумкин бўлган яна бир моддалардан бир бу 184-модда. *Солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш яъни* Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек, давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин анча миқдорда содир этилган бўлса тарзида келтирилган бу эса жиноят кодексига шарҳга мувофиқ ¹Солиқ ёхуд бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлашнинг ижтимоий хавфлилиги шундан иборатки, мазкур жиноят содир этилганда давлат бюджетига тушиши керак бўлган маблағларни бюджетга тушмайди, бу эса давлатнинг ҳаётнинг турли соҳаларида ўз зиммасига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун зарур бўлган моддий-техник имкониятларини камайтиради. Бундан ташқари, солиқ турларидан бош тортиш бошқа жиноятларни содир этиш, яширин иқтисодиёт шаклланиши учун замин яратади, бозор муносабатлари ривожланиши ва фаолиятига тўсқинлик қилади, бюджет сиёсатининг барқарорлигини бузади, жамиятда ижтимоий кескинлик ва сиёсий беқарорликни вужудга келтиради. Бунинг ҳаммаси таҳлил қилинаётган қилмиш иқтисодиёт соҳасида содир этилаётган энг оғир жиноятлардан ҳисобланишини тасдиқлайди.

¹ Жиноят кодексига шарҳ Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Т.2017 й. 1-2 томар



Ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Божхона Кодексига мувофиқ Божхона тўловларига импорт божи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва божхона йиғимлари кириши белгиланиб қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексига мувофиқ эса божхона тўловлари умуммажбурий тўловлар сифатида келтирилган шу нуқтаи назардан божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлашга оид жиноятлар ҳам давлат бюджети камомадига сабаб бўлиши мумкин. Лекин халқаро амалиёт ва илғор давлатлар тажрибасини ўрганиш шунингдек жиноят қонунчилигини мукаммаллаштириш ва иқтисодиёт соҳасига оид жиноятларни тизимлаштириш нуқтаи назаридан Жиноят кодексини қуйидаги тахрирдаги янги модда қўшиши мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлашимиз мумкин. **Жумладан, 184²-модда. Божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш ва божхона соҳасида берилган имтиёзлардан мақсадсиз фойдаланиш.** Божхона тўловларини тўлашдан қасддан бўйин товлаш шунингдек берилган имтиёзлардан мақсадсиз фойдаланиш, товарнинг таркибий тузилиши ва техник тавсифини ўзгартирган ҳолда ундан бошқа мақсадларда фойдаланиш шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўллангандан кейин кўп миқдорда содир этилган бўлса,-

Базавий ҳисоблаш миқдоринг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима жазоси билан жазоланади.

Ушбу қилмиш:

а) жуда кўп миқдорда

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса Базавий ҳисоблаш миқдоринг 300 бараваридан 500 бараваригача жарима жазоси билан жазоланади.

Биринчи марта жиноят содир этган шахс (*модданинг иккинчи қисми б банди бундан мустасно*) божхона органлари текширувлари натижаси бўйича божхона органи қарорини олган санадан бошлаб ўттиз календарь кундан ёхуд ўзаро келишувга биноан бўлиб-бўлиб ёки кечиктириб тўлашнинг охириги муддатдан кечиктирмай божхона тўловлари тарзида етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа жавобгарликдан озод этилади, тарзидаги модда билан тўлдириш мақсадга мувофиқ бўларди.

Ўрганишлар натижасида Россия Федерацияси Жиноят кодексининг ¹162⁶- моддаси «Божхона тўловларидан бўйин товлаш» тарзидаги норманинг мавжудлиги шунингдек ²Германия Жиноят қонунчилиги тўпламида 370 моддасида “Солиқлар тўлашдан бўйин товлаш” моддаси диспозициясида б-абзацида алоҳида товарларнинг божхона худидига олиб кирилиши ва бу ҳудуддан олиб чиқилиши муносабати билан божхона божи ва уйғунлаштирилган акциз (Европа Иттифоқи назарда тутилган) тўлашдан бўйин товлаш тарзидаги алоҳида банд келтирилганини кўришимиз мумкин.

Шу тариқа юқоридаги ўрганишлар натижасида иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар ва бу борадаги божхона органларинг аҳамияти борасида сўз юритилди ва берилган таклифлар имҳо шаклида бўлиб, уларнинг қабул қилиниши амалиётда қанчалик самара бериши борасида аниқ маълумотлар келтирилмаган.

Фойдаланилган адабиётлар ва ахборот-ресурс манбалари

1. Ўзбекистон Республикаси Божхона кодекси. Т. Адолат 2016 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодекси. Т. Адолат 2018 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига шарҳлар. Т.2017 й. 1-2 том. 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон Фармони
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги “Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3723-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш Концепцияси”
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси.
6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 6 сентябрдаги «Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш ва контрабандага оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги 18-сон қарори.

¹ http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW

² <https://izron.ru/articles/aktualnye-voprosy-yuridicheskikh-nauk->



7. Таможенное право РФ *А.Ф.Ноздрачев* –М 2017
8. Б.Н.Габричидзе *“Российское таможенное право-2011г*

Интернет сайтлари:

<http://www.lex.uz>
<https://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti>
<https://saldovka.com/nalogi-yur-lits/proverka/ekonomicheskoe-news-prestupleniya-vidyi-i-nakazanie.html>
<https://iclg.com/practice-areas/business-crime-laws-and-regulations/france>
http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW
<https://izron.ru/articles/aktualnye-voprosy-yuridicheskikh-nauk->



KORRUPSIYA – TARAQQIYOT KUSHANDASI

*Shixova Muqaddas Amanovna Xorazm viloyati Shovot tumanidagi
28- maktabning oliy toifali ona tili va adabiyoti fani o'qituvchisi,
Rajabova Oyshajon Hasanovna Shovot TXTB ona tili va
adabiyoti fanlari metodisti Email:muqaddasxon@inbox.uz,
oyshajon@gmail.com, 914349226*

Annotatsiya: Mazkur maqolada ko rrupsiyaga qarshi kurashishning samarali usullari haqida so'z yuritilgan.

Kalit so'zlar: korrupsiya, aynish , poraxōrlik, xiyonat, globallashuv, jinoyatchilik

*To hirs-u havas xirmani barbod ōlmas,
To nafs-u havo qasri baraftod ōlmas,
To zulm -u sitam joniga bedod ōlmas,
El shod ōlmas, mamlakat obod ōlmas.
Alisher Navoiy*

Insoniyat tarixi yaralibdiki, ikki buyuk kuch: ezgulik va yovuzlik ōrtasidagi azaliy «musobaqa»da yo u taraf ,yo bu tarafda turib ishtirok etadi . Bu ikki azaliy «raqib» tushunchalar bashariyat hayoti va uning mazmuniga, yashash tarzi va tafakkur olamiga shu qadar katta ta'sir ōtkazadiki, bu jarayon bevosita odamzodning yana bir boyligi bōlgan tilda ōz aksini topadi. Jamiyatning ma'nau soġlomligi yoki ma'naviy immuniteti unda yashovchi insonlarning qōllayotgan sōzlarida va qilayotgan amallarida zohir bōladi. Sōz ōzi anglatayotgan ma'noda istehzo bilan, zōrma-zōraki ,shunchaki ishlatila boshlandimi,bilingki, tenglik ,adolat posangisi ōrnida emas. Bilingki, nimadir ōz ōrnidan siljigan... Yangi mingyillikka qadam qōygan insoniyat bugun qaysi sōzlarni eng kōp ishlatyapti? Bugungi dunyoning eng mashhur Top-10 taligiga qaysi sōzlarni kiritish mumkin? Globallashuv,»odam savdosi», terrorizm, d iniy, uyushgan jinoyatchilik,inson huquqlarining buzilishi...

Navoiy hazratlari bundan bir necha asr oldin :»Nafs hukmi bilan qilgan har ishingda maqsad komidan shaytonning irjaygan tishlari kōrinib turadi ,»-deb yozganidek ,ushbu rōyxatning ortidan ham «korrupsiya»degan ajdarning dōzax olovidan uchqunlangan oġzi bōy kōrsatib turadi. Chinki yuqorida sanalgan kōpgina mashhur iboralarning «dunyoga kelishi»da korrupsiyaning ōrni «beqiyos»dir . Odamda qandaydir bir hadik uyġotadigan bu sōzni birda tushunib ,birda tushunmay ishlatar ekanmiz ,bu sōzning biz bilan ,bizning hayotimiz va kelajak taqdirimiz bilan aloqasi haqida ōylab ham kōrmaymiz. Keling, juda kōplagan muammolarimizning «onasi» bōlgan «korrupsiya» sōzining ma'nosi bilan tanishaylik. « Korrupsiya «-lotincha sōz bōlib, «buzish «,»aynish « degan ma'nolarni bildiradi. Atama sifatida esa u quyidagicha izohlanadi : «Korrupsiya-davlat organlari xodimlari moddiy yoki mulkiy yōsinda, ġayriqonuniy shaxsiy manfaat kōrish maqsadida ōz xizmat mavqeyidan foydalanishida ifodalanadigan ijtimoiy hodisadir». Ōzbek xalqi - juda dono va zakiy xalq. Har bir iborasi va sōzi uning ōzligidan sōzlaydi gōyo. Bugun fikr yuritayotganimiz « korrupsiya» sōzi ham ,aslida,bizga yot sōz emas. Xalqimiz orasida uning «poraxōrlik»,» tanish-bilishchilik»,»oshna -oġaynigarchilik»,»mahalliychilik»,»ōzibōlarchilik» kabi kōplagan nomlarda yashab kelayotganiga guvoh bōlamiz . Xōsh,bu « pir- u badavlat» illat qaysi tamoyillar asosida bunchalik « gullab - yashnamoqda?» Menimcha, «Sizdan « u» gina ,bizdan « bu» gina « tamoyili yozilmagan qonunlarning eng yetakchi tamoyiliga aylanib ulgurgan . Aks holda , «Quruq qoshiq oġiz yirtar»,»Mushuk tekinga oftobga chiqmaydi»,»Qōl qōlni yuvadi»,»Berganga bitta ham kōp,olganga ōnta ham oz»,»Ber porani, ōldir fuqaroni» kabi ōnlagan maqollar xalq donoligi bisotidan ōrin olmagan bōlardi. Aynan shu ruhdagi yangi davr maqollariga aylanib ketayotgan»Ishlamagan tishlaydi» ,»Tashla va yasha»iboralari esa korrupsiya balosi biz bilan birga qadam tashlayotganidan darak beradi. Soddagina xalqimizning bu holatga ham javobi bor:»Bergan Xudoga yoqibdi».Har gal Abdulla Qahhorning yuz yillar oldin yozilgan « Ōġri» hiyasini ōqir ekanman,yozuvchi dahosi oldida bosh egaman. Va afsus bilan ōsha «ellikboshi» lar, ōsha «amin» lar , ōsha «pristav»lar yon -verimizda biz bilan birga ekanliklarini ta'kidlamoqchimam. Ular sabab talon- tarojliklar, tala- talalar ,»ber -ber» lar avjida . Misol tariqasida, 2020-yilning tōqqiz oyi davomida korrupsion jinoyatlar oqibatida davlat



budjetiga 200 milliard sōmdan ortiq moddiy zarar yetkazilgan . Jinoiy javobgarlikka tortilgan mansabdor shaxslar faoliyat yuritgan sohalar kesimi bōyicha eng yuqori «ōrin»larni Soğliqni saqlash vazirligi,Xalq ta'limi vazirligi,Ichki ishlar vazirligi,Oliy va ōrta maxsus ta'lim vazirligi va tijorat banklarining rahbar xodimlari egallaganligining ōziyoq qaysi sohalarda korrupsiya chuqur ildiz otganligini kōrsatib beradi. Buning natijasida kōp sohalarda byurokratizm, chalamullalik, bilimsizlik, loqaydlik va eng qōrqinchlisi- ishonchsizlik urchib bormoqda. Korrupsiyaning eng xavfli tomoni shundaki,u jamiyat a'zolarining davlat boshqaruvi va olib borilayotgan siyosatga bōlgan ishonchini sōndiradi. Ta'bir joiz bōlsa, korrupsiyani Vatan va xalqqa qilingan xiyonat deb baholash mumkin. Chunki Vatan va el -yurt rivojiga,kelajagiga ongli ravishda ziyon yetkazgan kishining sotqindan farqi yōq. Bugun vatanimiz Ōzbekiston yangicha davrni - ōzgarishlar,yangilanishlar davrini boshdan kechirmoqda,yangi bir avlod tarix sahnasiga kirib kelmoqda . Bu avlod yangilanayotgan Ōzbekistonimiz tarixida mutlaqo ōzgacha sahifa ochishiga, haqiqiy ma'nodagi Rennans davriga qadam qōyayotganligiga ishongim keladi. Korrupsiyasiz Ōzbekistonni yaratish yōlidagi chora - tadbirlar yangi bosqichga kōtarilganligi haqidagi ishonchli fikrlar BMT Bosh Assambleyasining 75- sessiyasida mamlakatimiz Prezidenti Shavkat Mirziyoyev nutqlarida baralla yangradi. Korrupsiyaga qarshi kurashish Milliy kengashi,Korrupsiyaga qarshi kurashish agentligining tashkil etilishi va Ōzbekiston Respublikasining «Korrupsiyaga qarshi kurashish tōğrisida»gi qonuni bu sohada olib borilayotgan islohotlarning amaliy ifodasidir. Xulosa ōrnida Singapurni dunyoning eng rivojlangan mamlakatlari qatoriga olib chiqqan rahnamo Li Kuan Yudan iqtibos keltirsam:»Mening oldimda ikki yōl turardi: birinchi yōl- ōğrilik qilish ,dōstlarim va qarindoshlarimni Forbesning rōyxatlariga chiqarish barobarida ōz xalqimni yalanğoch yerda qoldirish; ikkinchi yōl- ōz xalqimga xizmat qilib, mamlakatni jahonning eng yaxshi ōntaligiga kiritish . Men ikkinchi yōlni tanladim. ..

Xulosa qilib aytadigan bo'lsak, qonunlar qabul qilinar, qarorlar chiqar, jinoyatchilar jazolanar, lekin to qalblarimizdagi insof tuyğusi ,to tiynatimizdagi Allohdan qōrqish hissi, muxtasar aytganda, to imonimiz mukammal bōlmas ekan, korrupsiyadan batamom qutula olmaymiz. Navoiy hazratlari aytganidek : «...El shod ōlmas, mamlakat obod ōlmas». ..

Korrupsiya balosidan qutulish, islohotlarni uning changalidan qutqarish sharaflı burchimiz ekanligini hamma birdek tushunmog'i shart. Aks holda, o'ziga tegishli xulosa chiqarmay, poraxo'rlik va tamagirlikdan tiyila olmayotgan shaxslar jazoga tortilishi muqarrar! Darhaqiqat, har qanday vaziyatda ham halol odam hayotda g'olib bo'lib, baxtli-saodatli yashaydi. Bugun butun jamiyatimiz ana shunday pokiza hayotga intilmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar ro'yxati:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 2 fevraldagi PQ-2752-sonli «Korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risida»gi Qonuni

"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР" МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КЎП ТАРМОҚЛИ ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

(1-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусахҳиҳ: Файзиев Фаррух Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000